

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**5510400 – Стоматология**  
**бакалавриат таълим йўналишининг**  
**малака талаблари**



**Тошкент-2020**

## СЎЗ БОШИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари

### КИРИТИЛГАН:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш  
маркази

Тиббиёт олий таълим муассасалари Ректорлар раёсати

### ТАСДИҚЛАНГАН:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий  
таълим тизими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш

### АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 «08»  
09 даги 236 -сонли буйруғи

### ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий  
чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига  
тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

| Т/р  |  | бет |
|------|--|-----|
| 1.   | <b>5510400 – Стоматология бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....</b>   | 4   |
| 1.1. | Қўлланишсоҳаси.....  | 4   |
| 1.2. | <b>5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .....</b>  | 4   |
| 2.   | <b>5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>                                  | 6   |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....   | 6   |
| 2.2. | <b>5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ва эга бўлиши лозим компетенциялар.....</b> | 7   |
| 3.   | <b>5510400 –Стоматология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>                           | 8   |
| 3.1. | Ўқув режа модул блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....   | 9   |
| 3.2. | <b>5510400 – Стоматология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар сони.....</b>  | 17  |





## 1. 5510400 – *Стоматология* бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

**5510400 –Стоматология** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи тиббиёт ва фармацевтика олий таълимнинг ўқув режа ва модул дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва модул дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва модул дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

| Ўқув режа ва модул дастурининг номи        | Малака (даража) | Ўқув режа ва модул дастури ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|--|-----------------|---|
| Бакалавриятнинг ўқув режа ва модул дастури | Бакалавр        | 5 йил   |

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1.** Тиббиёт ва фармацевтика олий таълимнинг ушбу малака талаби **5510400 – Стоматология** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва модул дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва модул дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

#### 1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва модул дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва модул дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– тиббиёт ва фармацевтика олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 1.2. 5510400 – *Стоматология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи





**1.2.1.5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5510400 – Стоматология** бакалаврият таълим йўналиши -таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат бошқарув органларида, соғлиқни сақлаш тизимининг муассасаларида стоматологияни ривожлантириш, стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш,стоматологик ёрдам ва диспансер кузатув фаолиятининг усуллари ва услубларининг сифатини ошириш (даволаш-профилактик, тиббий-ижтимоий) бўйича комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишниўз ичига олади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

– тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

– жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий-стоматологик ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркеклар;

– илмий-тадқиқот жараёни.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти кўйидагиларни қамраб олади:**

– соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида тиббий фаолиятни таъминлаш этиши;

– аҳоли орасида кенг учрайдиган стоматологик касалликлар бўйича барча турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиши;

– аҳолига касалхонагача бўлган шоишлинч стоматологик ёрдамни кўрсатиши;

– тиббиёт воҳасида долзарб бўлган касалликлар ҳамда муаммолар бўйича замонавий маълумот, билимларга эга бўлиш ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориши;

– аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича замонавий таъхислаш ва даволаш стандартларини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаш;

– аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши, шунингдек, стоматологик маданият, санитар-гигиеник тарбия, рационал овқатланиш, зарарли одатлар билан курашиш, ўсмирларни соғломлаштириш, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиши бўйича чора-тадбирларни таъминлаш этиши ва амалга ошириши;

– сурункали стоматологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида профилактик ва мақсадли тиббий кўрик ўтказиш, аҳолининг умумий диспансеризациясини амалга ошириши;

– ижтимоий ҳолатга боғлиқ касалликларга қарши курашишнинг даволаш-профилактик чора-тадбирларни амалга ошириши;





– тасдиқланган шаклдаги ҳисобот ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида тўлдириши;

– тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муаммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришида иштирок этиши.

### **1.2.3. 5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- тиббий-профилактик;
- тезкор ва шошилиш тиббий ёрдам;
- таъхислаш ва даволаш;
- реабилитация;
- тиббий-ижтимоий;
- таъхилий- бошқарув;
- илмий-тадқиқот.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус модулларни ўқитиши мумкин.

### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

**5510400 – Стоматология** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A510401 – *Терапевтик стоматология;*
- 5A510401 – *Ортопедик стоматология;*
- 5A510401 – *Хирургик стоматология;*
- 5A510401 – *Юз - жағ жарроҳлиги;*
- 5A510401 – *Ортодонтия;*
- 5A510401 – *Болалар жарроҳлик стоматологияси;*
- 5A510401 – *Болалар терапевтик стоматологияси* мутахассисликлари бўйича магистратура ва клиник ординатурасифатида икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик сифатида илмий тадқиқот олиб бориш мумкин.

## **2. 5510400 – Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб





масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида кўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

### **2.2.5510400 –Стоматология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **Тиббий-профилактик фаолиятида:**

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- аҳоли орасида кенг тарқалган стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**


#### **Тезкор ва шошилиш тиббий ёрдам фаолиятида:**

- шошилиш ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш;
- касалхонагача бўлган тез тиббий ёрдамни кўрсатиш;
- кўрсатмага кўра касалхонага йўлланма бериш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

#### **Ташхислаш ва даволаш фаолиятида:**

- аҳоли орасида **стоматологик** касалликларни эрта ташхислаш; умумий амалиёт **стоматология** фаолиятида замонавий ташхислаш усулларида фойдаланиш;

- кенг тарқалган **стоматологик** касалликларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда тўғри даволаш;





– беморларни кўрсатмага кўра тор мутахассислар билан биргаликда текшириш ва даволаш;

– ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Реабилитация фаолиятида:**

– **стоматологик** касалликлар бўйичареабилитация чора тадбирларини ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, муддатларини тўғри аниқлаш;

– реабилитация чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

– беморлар ўртасида реабилитация ўтказишда замонавий усуллардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

– ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш;

– аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқариш;

– тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;

– аҳоли соғлиғи ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини тадбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**3.5510400 –Стоматология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**3.5510400 – Стоматология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий модуллар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:**

гуманитар ва ижтимоий иқтисодий;

клиника олди;





клиник;  
электив.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув модуллари билан бир қаторда талабалар танлаган модулларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модуллар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув модулларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид модулларнинг амалий машғулотлари ва ўқув (клиник) амалиёти тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, даволаш-профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий-амалий марказлар, илмий текшириш институтларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, даволаш-профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий-амалий марказлар, илмий текшириш институтларида ўтказилади.

### **3.1. Ўқув режа модуллари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** **Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий модуллар блоки:**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тиббиёт ва фармацевтика олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий модуллар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Клиника олдимодуллар блоки:**

Анатомияни ўрганишнинг замонавий усуллари (рентгенография, рентгеноскопия, ангиография, КТ, МРТ ва бошқалар), шакл ва вазифанинг бирлиги. Халқаро анатомик терминология. Эндокрин безларининг функционал анатомияси. Юрак, артериал, веноз ва лимфа томирлари, уларнинг тармоқланиш қонуниятлари, регионар анатомиясининг топографик ва клиник хусусиятлари. Эмбрионда қон айланиши. Бош ва орқа мия тузилиши, тараққиёти, ривожланиш аномалиялари. Оғиз бўшлиғининг анатомияси. Тил, танглай, сўлак безлари. Дентал анатомия асослари. Юз-жағ ва бўйин соҳалари, тараққиёти ва ривожланиш хусусиятлари.

Жарроҳлик усқуналари. Жарроҳлик аралашувлари турлари, тўқималарни ажратиш, кесиб олиш ва тикишнинг асосий босқичлари. Калла соҳаси тўқималарини кесишнинг асосий тамойиллари. Калла-мия топографияси. Болалар ва катталарда юзнинг олдинги соҳаси аъзо ва тўқималарининг тузилиши, шакли ва ўзаро жойлашиши. Оғиз туби йирингли жараёнларининг тарқалиш йўллари. Юз контрофорслари. Тишловлар. Юз ён соҳасининг клиник анатомияси: кулоқ олди-чайнов ва юзнинг чуқур соҳалари. Фасция ва клетчатка бўшлиқлари. Йирингли жараёнларни тарқалиш йўллари. Чакка-пастки жағ бўғимида чиқишлар. Юз-жағ соҳаси жарроҳлик аралашувларида интроорал ва экстраорал усулларда маҳаллий оғриксизлантириш.

Хужайра ва унинг функцияларининг ультраструктур тавсифи. Одам эмбрионал ривожланишининг хусусиятлари. Оғиз бўшлиғида регенерация ва апоптоз жараёнларининг намоён бўлиши. Эпителий тўқимаси ва безлар. Секретор цикл. Оғиз бўшлиғи эпителийсининг хусусиятлари, унинг эмаль, сўлак безлари, тилнинг таъм билиш рецепторлари, муртақлар ривожланишидаги аҳамияти. Қон, лимфа ва қон яратилиши. Ўзак хужайралар. Сийрак ва зич бириктирувчи тўқима. Скелет тўқималар: тоғай ва суяк тўқимаси. Оғиз бўшлиғидаги толали ва скелет бириктирувчи тўқиманинг хусусиятлари.





Юз- жағ, оғиз бұшлиғи органлари шаклланиши ва тузилишидаги уларнинг аҳамияти. Иммуно реакцияларининг морфологик асослари. Оғиз бұшлиғи тўқима ва органларининг имплантация ва трансплантацияси жараёнларидаги иммуно реакцияларининг аҳамияти. Тишнинг қаттиқ ва юмшоқ тўқималари ривожланиши ва морфо-функционал тавсифининг молекуляр-генетик асослари. Эмаль, дентин ва цементнинг тузилиши. Тиш тўқималарининг регенерацияси учун аллоген ва аутологик ўзак хужайралар. Эмаль, дентин ва цементнинг регенерацияси. Дентин-пульпа комплекси ва унинг регенерацияси имкониятлари. Тишнинг таянч аппарати. Периодонт регенерацияси. Милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай, лаб, лунж, тилнинг морфофункционал тавсифи. Лимфоэпителиал ютқин халқаси. Юз-жағ тараққиётидаги аномалия ва ривожланиш нуқсонларига йўлдошнинг таъсири. Асаб тизими.

Биология модули вазифалари. Замоनावий биологиянинг назарий асослари. Хужайра организмнинг структур ва функционал бирлиги. Ирсият ва ўзгарувчанликнинг асосий қонунилари. Генетиканинг модул сифатидаги замоनावий ҳолати. Канцерогенез. Одамнинг ирсий касалликлари. Паразитизм биологик феномен шаклида. Гельминтларнинг одам организмга патологик таъсири. Гельминтозлар диагностикасининг асосий усуллари.

Тиббий кимё модулига кириш. Биологик суякликлар ҳақида тушунча. Стоматология амалиётидаги буфер эритмалар. Оғиз бұшлиғида кечадиган электрокимёвий жараёнлар. Электрофорез ва уни стоматологияда қўлланилиши. Дисперс системалар. Сўлакни мицелляр тузулиши. Сўлакни рНни доимийлигини аҳамияти. Органик кимёга кириш.

Углеводлар алмашинуви. Липид алмашинуви, семизлик, атеросклерознинг биокимёвий асослари. Аминокислоталар алмашинуви. Остеология ва стоматологиянинг биокимёвий мезонлари. Сўлак секретини шаклланиши, бошқарилиши. Сўлак ва оғиз суяклинининг органик ва ноорганик компонентлари. Оғиз бұшлиғининг химоя тизими. Саливодиagnostика. Асосий стоматологик касалликлар ривожланишининг биокимёвий механизмлари. Кимёвий канцерогенез: Молекуляр биология асослари. Юз-жағ соҳаси нуқсонларини ривожланишининг молекуляр-генетик механизмлари.

Физиология табиатнинг асоси сифатида организм ва ташқи муҳитнинг бирлиги. Соғлом организмнинг хужайралар, тўқималар, тизим-аъзоларнинг умумий қонуниятлари. Организм тизимларининг бошқариш механизмлари, адаптация ва гомеостаз. Организм функцияларини текшириш усуллари ва асосий физиологик кўрсаткичлари. Оғиз бұшлиғи функцияларини текшириш усуллари.

Катталар ва болалар юз-жағ системаси ва юз териси ҳамда, юмшоқ тўқимаси касалликларининг патологик анатомияси. Ўткир ва сурункали яллиғланиш морфологияси. Сероз, фибриноз, йирингли, геморрагик, чирикли яллиғланиш. Иммунопатологик жараёнларнинг морфологияси. Юз юмшоқ тўқимаси, бўйин ва оғиз бұшлиғининг мезенхимал ўсмалари. Аъзо ва туқималар биопсияси, тиббиёт хужжатларини тузилиши ва уларни тўлдириш тартиб – қоидалари, ташхис тузилиши ва структураси.

Касалликнинг сабаблари, ривожланиш механизмлари ва қонуниятлари, юрак қон-томир системасидаги ўзгаришлар, нафас, ошқозон-ичак системаларида, буйрак, эндокрин ва нерв системаларидаги бузилишларни умумий қонуниятлари ва уларнинг стоматологик касалликлар билан боғлиқлиги.

Микроорганизмларнинг асосий турлари, одам учун патоген бактерия, риккетсия, микоплазма, хламидия, вируслар, содда жониворлар ва микроскопик замбуруғларнинг тақсономияси, морфологик ва биологик хусусиятлари, юкумли касалликларга ташхис қўйиш усуллари. Иммунитет, унинг турлари. Организмнинг номахсус ва махсус химоя омиллари ва уларнинг амалиётдаги аҳамияти. Антиген ва антителолар. Одам танаси биотоплари микрофлораси, оғиз бұшлиғи меъерий микрофлораси.

Рецептнинг тузилиши, дори воситаларига рецепт ёзиш қоидалари, турли дори шаклларида рецепт ёзиш усуллари. Умумий фармакология (фармакокинетика,





фармакодинамика), умумий токсикология асослари. Хусусий фармакология (препаратлар таснифи, уларнинг орган ва тизимларга таъсир қилиш механизми, қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ёшга боғлиқ бўлган ҳолда таъсир этишнинг ўзига хослиги, ножўя ва захарли таъсири, асоратлари) дори воситаларидан захарланганда биринчи ёрдам бериш.

Тиббий терминологияга кириш. Рецепттурада тузлар. Катионлар ва анионлар. Рецепттурада қисқартмалар. Тиббий терминларни таркиб топишида анатомио-физиологик, анатомио-гистологик клиник, фармацевтик ҳамда анатомио-стоматологик, клинкомио-стоматологик тизимни ривожлантириш. Тиббий терминологиянинг асосий стоматологияга оид лексикаси.

Аҳоли саломатлигини ўрганиш кўрсаткичлари: Статистик тадқиқотларни ташкил этиш. Демография, унинг тиббиёт ва стоматологиядаги ўрни. Демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил этиш усуллари. Стоматологик касалланишини ўрганиш усуллари ва манбаалари. Стоматологик поликлиника ва касалхона иш фаолиятини таҳлил қилиш. Йиллик ҳисобот Ф№3. Қишлоқ аҳолисига ҚВПда стоматологик ёрдам ташкил қилиш (тузилиши, вазифаси).

Стоматологлар ва бошқа касб ходимларининг меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари. Стоматологияда ионлаштирувчи нур манбаларидан фойдаланганда ходим ва мижоз ҳимояси. Стоматологик даволаш-профилактика муассасаларига бўлган гигиеник талаблар, стоматологик касалланишларни профилактикасида турмуш тарзи, ташқи муҳит омиллари.

Ахборот тушунчаси: ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи. Ахборот коммуникация технологияларининг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги.


Организм, юз-жағ соҳаси аъзо ва тўқималарининг фаолияти асосида ётувчи умумий физикавий ва биофизикавий қонуниятлари, нурланиши. Стоматологияда рентгеноскопия ва рентгенография. Радиоактивлик. Стоматологик материалларни текширишнинг радиацион усуллари. Дозиметрия.

Педагогика модули, унинг тиббиётдаги ўрни. Шахс шаклланишида, инсоннинг ҳулқ-атвори, мулоқоти ва фаолиятида таълим ва тарбиянинг тутган ўрни. Педагогик-психологик таҳлил қилиш ва лойиҳалаш усуллари. Замонавий таълим технологиялари, ўқиш ва билишга оид фаолиятни ташкил қилиш йўллари. Таълим ва тарбия сифатини назорат қилиш шакллари ва методларини эгаллаши. Умумий психологик тушунчаларни, воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни, шахснинг ўзида кечадиган ижтимоий-психологик жараёнларни, шахсни психологик тадқиқ қилиш усуллари.

#### **Клиник модуллар блоки.**

**Бемор болаларни парвариш қилиш.** Тиббий муолажаларни бажариш техникаси: антропометрия, термометрия, натижаларни қайд қилиш. Беморни ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар. Беморлар транспортировкаси. Ётоқ яраларнинг профилактикаси ва даволаш, гигиеник ва даволовчи ванналарни ўтказиш техникаси. Лаборатор текшириш учун биологик материални йиғиш, сақлаш ва жўнатиш тартиб қоидалари (қон, сийдик, аҳлат, балғам ва бошқалар). Беморни ультратовуш, эндоскопик ва рентгенологик текширувга тайёрлаш тартиби ва қоидалари. Дори воситаларини қабул қилиш турлари ва мақсади. Дори воситаларини қўллаш усуллари. Беморларни овқатлантириш, парваришлаш, оператив давога ва физиотерапевтик муолажаларга тайёрлаш.

Ички аъзоларнинг физикал, функционал ва қўшимча текширув усулларини интерпретация қилиш, ташҳислаш ва даволаш. Аллергик касалликларда, нафас олиш органи касалликларида ташҳислаш ва даволаш усуллари. Сил касаллиги патоморфологияси ва касалликнинг патогенези, клиник белгилари, оғиз бўшлиғи ва периферик лимфа тугунлари сили: касалликнинг патогенези, клиникаси, кечиш хусусиятлари ва профилактикаси.





Педиатрия модули ва уни стоматолог шифокорлар тайёрлашдаги ўрни. Болалик даврлари. Болалар организмнинг анатомио - физиологик хусусиятлари. Болаларда зотилжам касаллигида қон, рентген текширувлар натижаларини таҳлил қилиш, бирламчи ташхис қўйиш, биринчи ёрдам кўрсатиш ва мутахассисга йўлланма бериш. Генетик касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш чора-тадбирлари.

Асептика ва антисептика, қон кетишлар, шикастланиш, йирингли касалликларда лаборатор ускунавий ташхислаш, беморларни операцияга тайёрлаш, турли патологияларда операция турлари ва операциядан кейинги даврда беморларни даволаш ва парваришлаш, операциядан кейинги даврда асоратлар ва уларни олдини олиш.

Аёл организмнинг ўзига хос хусусиятлари: ҳайз цикли, уруғланиш, ҳомиладорлик, ҳомиладорликни критик даврлари, туғруқ ва туғруқдан кейинги пайтда кечувчи физиологик ва патологик жараёнлар. Репродуктив саломатлик, замонавий контрацепция усуллари, аёл жинсий аъзолари яллиғланиш ва ўсма касалликлари.

Тери касалликлари ҳақида умумий тушунча. Пиодермия, дерматозооноз касалликлар, дерматитлар, псориаз, пуфакли ва вирусли дерматозлар, ОИВ-инфекция, ОИТС, замбуруғли касалликлар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, оғиз бўшлиғи рак олди касалликлари.

Фармакодинамика, фармакокинетика тушунчалари, дори воситаларнинг ножўя таъсирлари ва уларнинг ўзаро таъсири, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи дори воситалари, юз-жағ соҳаси оғриқ синдромида қўлланилувчи дори воситалари, гемостазга таъсир этувчи дори воситалари, антибактериал дори воситалари.

Бош мия нервларини текшириш усуллари ва уларнинг патологиясида топик ташхислаш асослари. Ҳаракат соҳаси ва ҳаракат патологиясида топик ташхислаш асослари. Нейростоматологик синдромлар.

Бурун бўшлиғининг ўткир ва сурункали касалликлари: бурун чипқони, ўткир ва сурункали ринит, озена, бурун полиплари, бурун тўсиғининг қийшайиши, перфорацияси, гематомаси ва хўппози, бурундан қон кетишлар. Ташқи ва ўрта қулоқ ўткир касалликлари: қулоқ супраси хондроперихондрити, сарамаси, қулоқ чирки, тарқоқ ва чегараланган ташқи отит (чипқон), отомикоз, экзема, ўткир ўрта отит ва унинг асоратлари, евстахеит, мастоидит, петрозит. Уларда умумий амалиёт стоматологи тактикаси.

Орбита, қовоқ, конъюнктура ва кўз ёши аъзолари касалликларига хос белгиларни аниқлаш. Организмнинг умумий касалликларида кўз тубида кузатиладиган ўзгаришлар ва умумий амалиёт стоматологи тактикаси. Кўрув аъзоси, оғиз бўшлиғи ва юз-жағ системасининг биргаликда зарарланиш синдромлари. Кўз ичи босими патологияси. Глаукома сабаблари, таснифи, клиникаси, ташхислаш, даволаш усуллари, профилактикаси ва унда умумий амалиёт стоматологини ўрни.

Беморнинг психик фаолияти қонуниятлари, меъёр ва патология чегараси, касаллик ривожланишида ва даволаниш жараёнида шахс сифатида шаклланиши, психологик ўз-ўзини бошқариш, умумий психопатология ва хусусий психиатрия, ташхислаш, даволаш асослари, реабилитация ва психик бузилишларни тавсифлаш.

Касалликларда ва ундан сўнг реабилитология чора-тадбирлари. Стоматологик касалликларни физиотерапевтик усулда даволаш, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, физиотерапевтик аппаратлар.

Стоматологик касалликларни даволашда халқ тиббиёти усуллари, уларга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Стоматологик касалликларни даволашда халқ тиббиёти усулларининг қўлланиши. Игнарефлексотерапияга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

Ҳодиса ва мурда топилган жойни кўздан кечириш. Суд тиббиёт экспертизаси усуллари. Врач стоматологлар томонидан тиббий ёрдам нуқсонига йўл қўйилган ҳолатларда комиссия суд тиббий экспертиза.

Тез тиббий ёрдам. Шикаст. Травматизм, классификацияси. Юмшоқ тўқималарнинг лат ёйиши, эзилиши, узилиши, пайларнинг чўзилиши. Бош мия ёпиқ шикасти. Кўкрак



кафаси, қорин, қорин бўшлиғи ёпиқ шикасти этиологияси ва классификацияси. Пневмоторакс, гемоторакс, гемоперитонеум, перитонит клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари.

Рентгенологик текшириш усуллари. Ультрасонография. Физик асослари. Нур ташхисотида ташхис қўйиш тамойиллари. Компьютер томография. Магнит-резонанс томография. Ангиография. Радионуклид усул. Стоматологияда қўлланиладиган рентген усуллар. Тиш-жағ тизими ривожланиши.

Юқумли касалликларнинг этиологияси, патогенези, оғиз бўшлиғи ва юз-жағ тизими аъзоларида намоён бўлиши, клиника, қиёсий ташхиси, даволаш, диспансеризация, профилактика чора тадбирлари. Стоматология хонаси (бўлимида) инфекцион назоратини ташкил қилиш, стерилизация ва дезинфекция ишларини амалга ошириш.

Болаларда ўзига хос маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш техникасини ўтказиш хусусиятлари ва турли ёшдаги болаларда вақтинчалик ва доимий тишларни олиш хусусиятларини ўргатиш. Юз-жағ ва бўйин соҳалари юмшоқ ва суяк тўқимаси яллиғланиш касалликларининг умумий тавсифи, клиник кўриниши ва ривожланиш динамикасининг ўсаётган бола организмга анатомо-морфологик хусусиятлари таъсирини ўргатиш. Болаларда жағ ости ва даҳан ости соҳалари абсцесс ва флегмоналар: ривожланиши, клиникаси, ташхиси ва хирургик даволаш алгоритмлари. Болаларда чакка пастки жағ бўғими артрити: этиопатогенези, таснифи, клиникаси, ташхиси, жарроҳлик даволаш усуллари.

Болалар юз-жағ соҳасининг жароҳатлари: Сут ва доимий тишларнинг чиқиши ва синиши. Катаксимон ўсиғининг синиши. Пастки ва юқори жағ чиқишлари ва синиши: этиологияси, клиникаси, ташхиси ва даволаш. Жағларнинг синишида вақтинча ва доимий иммобилизация усуллари.

Сут тишлар кариесини даволашда содир бўладиган асоратлар ва уларни бартараф қилиш. Болаларда ўткир пульпитларнинг ўзига хос клиник хусусиятлари ва ташхиси. Болаларда кечадиган сурункали пульпитларнинг ўзига хос клиник хусусиятлари ва ташхиси. Болаларда кечадиган пульпитларни даволашнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўткир периодонтитларнинг ўзига хос клиник кечиши, қиёсий ташхиси ва даволаш. Болаларда сурункали периодонтитларнинг ўзига хос клиник хусусиятлари ва содир бўлиши мумкин бўлган асоратлари.

Болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг (ОБШҚ) шаклланиши ва физиологик хусусиятлари. Бола кўриги ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига хос касалликларнинг клиник белгилари. Клиник-лаборатор текшириш усуллари ва натижалар, қиёсий ташхислаш, тахминий ташхис қўйиш, касаллик тарихини тўлдириш. Ўткир герпетик стоматитда бола кўриги ва оғиз шиллиқ қаватининг касалликка хос клиник белгилари, ўткир герпетик стоматит турлари. Сурункали герпетик стоматит клиник белгилари. Туберкулез, захм билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғини текшириш ва ўзига хос махсус белгилар. Болаларда тил касаллигини ўзига хос белгиларни аниқлаш. Қиёсий таққослашни ўтказишни ўрганиш. Клиник лаборатор натижаларини интерпретация қилиш, тўғри ташхис қўйиш, даволаш режасини тузиш, касаллик тарихини тўлдириш.

Дентал имплантацияга кириш. Имплантантлар таснифи, имплантантлар тайёрлашда қўлланиладиган материаллар. Беморларни текшириш усуллари. Дентал имплантацияга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Имплантантлар таснифи, имплантантлар тайёрлашда қўлланиладиган материаллар. Дентал имплантация учун беморларни текшириш усуллари. Дентал имплантацияга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Дентал имплантацияни замонавий усулларда моделлаштириш, хирургик шаблон тайёрлаш. Ишлатиладиган остеопластик материаллар классификацияси, трансплантатлар турлари, ишлатилишига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар. Дентал имплантациянинг иккинчи босқичи, протезлашга тайёрлаш. Периимплантит, ташхислаш ва даволаш усуллари.

Стоматологик бўлим, хона (терапевтик, жарроҳ, пародонтологик, физиотерапевтик



ва бошқалар), уни жиҳозланиши. Ҳамшира ва кичик ҳамшира мажбуриятлари. Карлесни консерватив даволаш усуллари. Турли карлес шакллари оператив даволаш усуллари. Карлес кавакларини реставрация қилишнинг клиник таъмойиллари. Карлес касаллигини умумий даволаш. Карлес профилактикаси.

Эндодонтия. Эндодонтияда текшириш ва ташхислаш усуллари. Эндодонтияда шошилиш ҳолат: одонтоген оғриқни ташхислаш.

Стоматология поликлиникасида жарроҳлик хонаси ишини ташкил қилиш. Жарроҳлик стоматологиясида беморларни текшириш. Стоматологияда маҳаллий оғриқсизлантириш усуллари ва уларнинг турлари. Анафилактик шок, клиник белгилари ва юрак-ўпка реанимацияси ва тез тиббий ёрдам.

Доимий тишларни олишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Ретенция, яримретенция, дистопия. Тишлар чиқиши давридаги касалликлари: перикоронорит, ретромоляр абсцесс. Хирургик даволаш усуллари ва асоратлари.

Ноодонтоген яллиғланиш касалликлари: лимфангит ва лимфаденит, сарамас, чипқон ва хўпоз, текшириш усуллари, госпитализацияга кўрсатмалар.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) тузилишининг ўзига хос хусусиятлари. ОБШҚ касалликлар таснифи. ОБШҚ шикастланган беморни текшириш усуллари: иммунофлюоресценция, цитология. ОБШҚни патологик ўзгаришлари. Тилнинг мустақил касалликлари ва нуқсонлари: клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Хейлитлар: клиникаси, ташхиси ва даволаш. ОБШҚ ва лаб қизил ҳошиясининг облигат ва факультатив саратон олди касалликлари. Хавфли омиллари. Карлес ва унинг асоратларини ташхислашда, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини даволаш мақсадида физик омилларнинг қўлланилиши.

Тиш тож қисми нуқсонлари клиник кўринишлари ва уни ташхислаш. Тиш тож қисми нуқсонларида ўзакли тишлар билан даволаш. Тишларни сунъий қоплама билан протезлаш. Тиш тож қисми нуқсонларда қистирма ёрдамида даволаш. Тиш қатори нуқсонларини кўприксимон протезлар билан протезлаш. Қисман олиб қўйилувчи пластинкали протезлар тайёрлашнинг лаборатория босқичлари. Сунъий тишлар турлари ва уларни териш.


Қолип ва қолип олувчи қошиқлар. Қолип олувчи хом ашёлар таснифи ва уларнинг физик кимёвий хусусиятлари. Моделлар ва уларнинг турлари. Ишчи ва ёрдамчи моделлар тайёрлаш. Тишларни тож қисмини мумдан ва гипсдан шакллантириш. Патологик ва физиологик тишлов турларини фарқлаш.

Тиш, тиш қаторлари ва тишлов нуқсонларини ташхислаш. Болаларда тиш протезларини ўзига хослиги. Болалар учун олиб қўйилувчи ва кўприксимон (Ильина – Маркосян, Шамсиев) протезларни тайёрлашни ўзига хос хусусиятлари.

Ортодонтияда аппаратлар ёрдамида даволаш усуллари. Ортодонтик аппаратларни таъсир қилиш механизми, маҳкамланиши ва жойлаштириш бўйича таснифлар. Механик таъсир қилувчи (Энгел, Дерихсвайлер) ортодонтик аппаратлар. Функционал йўналтирувчи (Катц, Бынин, Шварц) ва таъсир этувчи (Френкел, Шонхер) ортодонтик аппаратлар. Аралаш таъсир этувчи (Брюкел, Гуляева, Хургина, Клампт, Андресен-Гойпл) ортодонтик аппаратлар. Ортодонтик даволашда қўйиладиган хато ва асоратлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш. Тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг кайталаниши, уларнинг сабаблари, олдини олиш усуллари.

Тиш-жағ тизимининг анатомияси ва физиологияси. Ортопедик стоматология клиникасида беморларни асосий текшириш усуллари. Беморларни текшириш ва маълумот тўплаш хусусиятлари (анамнез). Патологик тиш милк чўнтагининг чуқурлигини аниқлаш. Окклюзорлар. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Пародонтология. Терминология. Пародонт эпидемиологияси, таснифи. Оғиз бўшлиғи экологияси. Келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши. Пародонт тўқимасини





патологияси бор беморларни асосий ва қўшимча текшириш усуллари. Пародонт касалликларида касаллик тарихини ёзиш. Гингивит, пародонтит, пародонтоз.

Болаларда пародонт касалликлари таснифининг тахлили ва тавсифи. Болалар пародонт касалликларининг этиологияси ва патогенези. Пародонт касалликларида болани текшириш ва пародонт касаллигига хос клиник белгиларини аниқлаш. Клиник-лаборатория текшириш усули анализ натижалари, қиёсий ташхислаш ва бошлангич ташхис. Болаларда пародонт касалликларини ўзига хос хусусиятлари, этиологияси, кечиши, патогенези.

Болаларда пубертат давридаги пародонт касалликларини текшириш ва клиник-лаборатория белгиларини интерпретация қилиш, қиёсий ташхислаш ва бошлангич ташхисни аниқлаш, даволаш режасини тузиш ва клиник касаллик тарихини тузиш. Пародонт касалликларида маҳаллий ва умумий профилактика ўтказишни замонавий усуллари. Пародонт касалликлари, оғиз бўшлиғи лахтакли операциялари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалари. Юмшоқ ва суяк тўқималари пластикаси ва трансплантацияси. Пародонт касалликларини жаррохлик усулида даволашдан сўнг парваришлаш.

Мутахасисликка кириш. Эргономика. Стоматологик хона жиҳозланиш. Стоматологик қурилмалар. Стоматологияда қўлланиладиган дасталар ва дастаклар турлари. Уларни ўрнатиш коидалари. Стоматологик асбобларни таснифи. Кўриш ва пломбани қориш ва қўйишда ишлатиладиган асбоблар. Тишларни чархлашда ишлатиладиган ротацион асбоблар. Борлар. Пломбага пардоз беришда фойдаланиладиган асбоб ва ашёлар. Фантомларда кариоз бўшлиқларини чархлаш ва пломбалаш. Олдинги ва орқа тишлар реставрацияси.

Болаларда оғиз бўшлиғининг бирламчи профилактик кўригини ўтказиш. Диспансеризация гуруҳларида кариесни тарқалиши, жадаллик, даволашга кўрсатмаларини аниқлаш. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш. Пародонт кўрсаткичларини аниқлаш. Тиш тозалаш усуллари. Боғча ва мактабларда санитар – тарғибот ишлари. Болаларга оғиз бўшлиғи гигиенасини ўргатиш.

Тиш тожининг патологик емирилиши, этиопатогенези, ташхиси, даволаш. Юзнинг пастки қисми тарқоқ патологик емирилиши ҳисобига пасайиши ва пасаймаган ҳолати, даволаш мезонлари. Фотокомполитлар ва винир-қопламалар ёрдамида нокариес касаллигини даволаш. Қисман тишсизликда тиш қаторлари деформацияси клиникаси, ташхиси ва даволаш. Қисман тишсизликда тишловни бузилиши. Прогнатик тишловда олд тишлари фронтал соҳага тарқалиши клиникаси, ташхиси, даволаш. Қисман тишсизликда тиш тожининг патологик емирилиш оқибатида тишловнинг бузилиши: ташхиси, қиёсий ташхиси, даволаш асоси.

Юз-жағ ортопедияси. Қисман ва тўлиқ тишсизликда имплантатлар ёрдамида тиш протезлаш. Окклюзиограмма. Ортопедик стоматологияда эстетик протезлаш асослари. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари: таснифи, текшириш усуллари, даволаш асослари. Функциограммани тахлили. Юз-жағ соҳаси ўқли ва ўқсиз жароҳатларни даволаш асослари. Юмшоқ ва қаттиқ танглайни нуқсонларини ортопедик аппаратлари билан даволаш.

Катта ёшдагилар тиш жағ аномалиялари. Юз-жағ тизимини нуқсонлари, уларни маҳсус даволаш. Тишларнинг шакли, жойлашиши ва сонидagi нуқсонлари, уларни даволаш асоси. Тиш қаторлари нуқсонларидаги деформациялар. Чакка пастки жағ бўғими касалликларини даволашда қўлланиладиган ортопедик аппарат ва протез турлари. Чакка пастки жағ бўғими касалликларини комбинациялашган конструкциялар билан ортопедик даволаш. Онкологик эҳтиёткорлик.

Турли кисталар табиати ва клиник намоён бўлишини баҳолаш. Турли кисталарни ўзига хос даволаш тушунчаларини шакллантириш. Эпителиал кисталар: одонтоген ва ноодонтоген турлари, уларни аниқлаш, этиологияси, касаллик анамнези, клиник намоён бўлиши, маҳсус текшириш усуллари, гистологик белигилари. Туғма кисталар, юз ва бўйин оқма йўллари: клиникаси, ташхиси ва даволаш.



Юз-жағ соҳасидаги жароҳатлар. Статистика. Юз-жағ соҳаси жароҳатларининг классификацияси. Травматологик ёрдам тамойиллари. Юз юмшоқ тўқимаси жароҳатларининг турлари. Жароҳатни текшириш усуллари. Юз юмшоқ тўқимаси жароҳатини асосий даволаш усуллари. Политравма.

Жағ суяклари синишида вақтинчалик ва доимий имобилизация усуллари. Жағ суяклари синишини оператив даволаш усуллари.

Шифокор - стоматологнинг экстремал ҳолатларда вазифалари. Юз юмшоқ тўқималари ва суякларини ўқ отар жароҳатлари. Этиологияси, классификацияси, клиникаси, ташхислаш, даволаш.

Юз-жағ жағ соҳаси жароҳатларининг асоратлари. Юз-жағ жароҳатларида махсус реанимация усуллари.

Юз-жағ соҳаси хавфли ўсмалари бор беморларни текшириш усуллари, ташхислаш. Юз териси ўсма олди касалликлари. Терини хавфли ўсмалари: клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Лаб қизил ҳошияси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ўсма олди касаллиги. Лаб қизил ҳошияси хавфли эпителиал ўсмалари: клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойиллари. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати хавфли эпителиал ўсмалари: тил, лунж, танглай ва оғиз бўшлиғи туби. Жағларни хавфли эпителиал ва неэпителиал ўсмалари: клиникаси, ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва хирургик даволаш тамойиллари. Аденокарцинома: ташхислаш ва даволаш тамойиллари.

Тиклов операцияларини режалаштириш: режалаштиришнинг асосий тамойиллари, юз соҳасидаги пластик операцияларга кўрсатмалар ва уларни ўтказишдаги хусусиятлари. Маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш: маҳаллий пластик операциялар турлари. Лимберг учрашувчи учбурчакли лахтаклар билан пластикаси. Тўқималарни эркин кўчириб ўтказиш: юз-жағ соҳасига тўқималарни эркин кўчириб ўтказишга кўрсатмалар ва уларни ўтказиш тамойиллари. Филатов банди билан пластика қилиш. Микрохирургия усуллари қўллаб юз жағ соҳаси нуқсон ва шакл бузилишларини пластикаси. Юз мимик мушаклари параличи.

Чакка пастки жағ бўғими анкилози ва контрактураси: клиникаси, қиёсий ташхислаш, хирургик даволаш тамойиллари. Суяк пластикаси. Трансплантат турлари. Хирургик даволаш усуллари тамойиллари. Юқори ва пастки жағ деформациялари: макро ёки прогнатияни бартараф қилиш. Остеогенезнинг ҳужайра ва тўқима манбалари ҳақида замонавий тушунчалар.

Эркин микротомирли лахтаклар билан аутоостеопластика. Биокерамика ва унинг суяк пластикасида қўлланилиши. Полимер композитлар имплантацияси. Дистракцион остеогенез. Тўқима инженериясида замонавий биотехнология ва унинг суяк-пластик жарроҳлигида қўлланилиши. Ўзак ҳужайралардан фойдаланиш. Юз-жағ соҳаси юмшоқ ва суяк тўқималари пластика операцияларини ўтказган беморларни парваришлаш.

Чакка пастки жағ бўғими дисфункция синдроми. Юз-жағ неврологик бузилишлари ва оғриқлар. Юз соҳаси оғриқлари. Оғриқ компонентлари ва механизми. Сезувчи нервларшикастланишини ташхислаш усуллари. Юз-жағ соҳаси невритлари. Белл параличи. Нерв шикастланиши бор беморларни жарроҳлик даволаш усуллари. Шикастланган нервни қайта тиклаш. Юз-жағ соҳасида систематик невропатия.

Юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш жараёнлари классификацияси. Этиологияси, клиникаси, диагностикаси ва даволаш. Юз-жағ соҳаси абсцесслари ва флегмоналари. Этиологияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш. Беморни текшириш. Олдини олиш. Фасциал соҳалари классификацияси. Юқори жағ билан боғланган яллиғланиш касалликлари. Пастки жағ билан боғланган яллиғланиш касалликлари. Сўлак безлари яллиғланиш касалликлари. Сўлак тош касаллиги. Этиологияси, клиникаси, ташхислаш, даволаш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари. Терроризм ва аҳоли муҳофазаси. Фавқулодда вазиятда шикастланганларни даволаш-кўчириш таъминоти



асослари. Табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари.Фуқаролар муҳофазаси тиббий хизматининг ташкилий тузилиши. Малакали ва махсушлаштирилган тиббий ёрдамни ташкил этиш.Бактериологик (биологик) воситалар билан зарарланган ўчоқда эпидемияга қарши чора-тадбирлар.

Ҳарбий тиббий хизмат бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар. Табиий, техноген ва экологик фавқулудда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва ўчоқни бартараф этиш учун ҳарбий куч ва воситалар, зарурий буюмлар билан таъминлаш ва фойдаланиш учун замин яратиш;

#### **Элективмодуллар:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов модулларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### **3.2. 5510400 – Стоматология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар сони**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

1 кредит – 36 соатга тенг.

Ўқишнинг меъёрий муддати 5 (беш) йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 256 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

|                   |            |
|-------------------|------------|
| Назарий таълим -  | 63 - 70%;  |
| Аттестация -      | 8 - 10 %;  |
| Таътил -          | 12 - 16 %; |
| Малака амалиёти - | 6 - 12 %.  |

Назарий таълим ҳажми “Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот”билим соҳасига мувофиқ модуллар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

|   |         |
|---|---------|
| Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодиймодуллар блоки | 3-3,5%  |
| Клиника олдимодуллар блоки                    | 20-25%; |
| Клиник модуллар блоки                         | 65-70%; |
| Элективмодуллар блоки                         | 3-7%;   |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми \_\_ ҳафта қилиб белгиланади.





## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

### Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврнинг асосий таълим дастури (бакалавр дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тиббий билим, тиббий йўналишлар, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, даволаш усуллари, диагностика, этиология, патогенез, морфология, гистология, рентгенология, терапия.

Стоматология, врач умумий стоматолог, асбоблар ва ашёлар, терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, ортодонтия, болалар, жарроҳлик, тиш, милк, илдиз, протезлаш, юз-жағ, онкология, яллиғланиш, касалликлар, пародонт, кариес, пломба, борлар, пулпит, периодонтит, караш, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тишлов, фантом-моделлар, ёйсимон, кўприксимон тиш протези, пародонт, дентал имплантология, окклюдатор, сунъий тиш, артикулятор, қолип, чакка пастки жағ бўғими.





**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий тиббиёт ва фармацевтика  
олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
Тиббий таълимни ривожлантириш маркази  
Директор \_\_\_\_\_ **Н.Р. Янгиева**

2020 йил « 01 » 04

М.ў.

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари  
Ректорлар раёсати раиси  
Ректор \_\_\_\_\_ **профессор Б.Т.Даминов**

2020 йил « 10 » 07

М.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари \_\_\_\_\_ **У.Ю.Сабилов**

2020 йил « 08 » 09

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ **Ў.С. Исмаилов**

2020 йил « 25 » 08

М.ў.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги олий ва ўрта махсус  
таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

\_\_\_\_\_ **Г.Юсупалиева**

2020 йил « 25 » 08

М.ў.